



ТУРК ДУНЁСИДА ТЎСИҚЛАР ОЛИБ ТАШЛАНДИ

Муҳаммад Солиҳнинг Туркияда чиқадиган “Янги Шафак” (“Yeni Şafak”) газетасига берган интервьюси.

Тошкентдан Анкарага 18 йилдан сўнг амалга оширилган тарихий ташрифни баҳолаган Ўзбекистон Эрк партияси раҳбари Муҳаммад Солиҳ, “Онгли равишда Турк душмани бўлган Каримовнинг ўлими ва ушбу ташрифдан сўнгра икки қардош ўлка ўртасидаги барча тўсиқлар олиб ташланади”, деди.

Ўзбекистондан Туркияга 18 йил сўнгра амалга оширилган энг юқори савиядаги расмий ташриф атрофидаги мулоҳазалар давом этмокда. Туркия президенти Ражаб Тойиб Эрдуғон расмий ташриф билан Туркияга келган Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевни Президент қароргоҳида тантанали маросим билан кутиб олди ва Мирзиёев номига кечки зиёфат берди. Минтақа учун катта аҳамиятга эга бўлган бу ташриф борасида Ўзбекистондаги режим мухолифи, Эрк партияси раиси Муҳаммад Солиҳ Туркиянинг “Янги Шафак” (“Yeni Şafak”) газетасига ўз фикрларини билдирди.

Каримов Турк душмани эди

Мирзиёевнинг ушбу ташрифини тарихий бир қадам эканлигини айтган Солиҳ, “Ислоҳ Каримов онгли бир Турк душмани эди ва

25 йил мобайнида Турк дунёси интеграцияси олдидаги энг катта тўсиқ бўлиб келди. Каримов вафот этгач, бу тўсиқ олиб ташланди. Энди бу ташрифни бир бошланғич қадам деб ҳисоблаёмиз. Умид қиламиз-ки, Ўзбекистон бу йўлда барқарор қадамлар билан давом этиб, икки қардош ўлка ўртасидаги барча тўсиқларни олиб ташлайди”, деди.

1999 йилги инқироз сирини

Муҳаммад Солиҳ, Туркия ва Ўзбекистон муносабатларида бошдан кечirilган тарихий воқеа ҳақда шундай деди: “Ўзбекистон президенти сўнгги бор Туркияга 18 йил аввал ташриф буюрган эди. 1999 йилнинг ноябр ойида Истанбулда Оврўпо хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг саммити ташкил қилинди. Ўзбекистон президенти Ислоҳ Каримов ҳам саммитда қатнашиш учун келган эди. Аммо Каримов йиғилишда узоқ қолмади, ўша пайтдаги Туркия Бош вазири Булант Эживитдан хафа бўлиб, йиғилишни тарк этти. Сабаби, Туркиянинг “мухолиф Муҳаммад Солиҳни яширин қўллаб-қувватлаши” эди. Лекин камина Туркия президенти Сулаймон Демирелнинг қарори билан 1999 йилнинг 24 апрел куни Туркиядан депортация қилинган эдим. Яъни Муҳаммад Солиҳга

Туркия тарафидан – на яширин, на-да ошкор -ҳеч қандай ёрдам берилмаётган эди.”

Виза ярашмаяпти

Ўзбекистоннинг янги ҳукуматнинг ҳокимиятга келган кунидан то бугунгача Туркияга нисбатан илиқ муносабатга бўла бошлаганини айтган Солиҳ, бу ҳолатни яхши бошланғич қадам сифатида кўришини билдирди. Солиҳ, “Икки қардош ўлка ўртасидаги барча тўсиқлар олиб ташланиши лозим. Энг аввало “қардош” тушунчасига ярашмаган “кириш визаси” бекор қилиниши керак”, дея таъкидлади.

Ҳар бир қадам жуда ҳам муҳим

Ўзбекистоннинг Осиёдаги муҳим, “калит ўлка” эканлигини таъкидлаган Муҳаммад Солиҳ, “Ўзбекистоннинг Турк дунёсига тўлиқ интеграцияси, ҳеч муболағасиз минтақа ва Оврўпоосиёдаги геополитик мувозанатни ўзгартири оладиган хусусиятдир. Шу сабабдан, Туркиянинг Ўзбекистон билан яқинлашиш учун қўйган ҳар қадами жуда муҳимдир”, деди.

Муҳаммад Солиҳ, ташрифнинг минтақага бўладиган таъсиринини шу сўзлар билан яқунлади: “Мирзиёевнинг Туркияга ташрифи хусусан Ўзбекистон-Россия муносабатларини бузмайди, аксинча бу минтақада мафаатдор давлатларнинг манфаатларини одил баҳолашларини таъминлайди.”

Диндорлар ва мухолифларга босим давом этмокда

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистондаги илк ҳаракатларини ижобий баҳолаб, қўллаб-қувватлаганликларини айтган Муҳаммад Солиҳ, бу ҳолатнинг ёмон тарафга қараб кетишидан хавотирда эканлигини билдирди. Солиҳ, «Шавкат Мирзиёевнинг биринчи қадамлари бизни келажакка умид билан қарашимизга сабаб бўлди. Аммо биз кутганимиз натижани ҳали ҳам кўрмадик. Тўғри,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

20-25 йилдир қамокда қолган баъзи сиёсий маҳбуслар озод этилди (озод қилинганлар ичида менинг укам ҳам бор), аммо диндорларга ва муҳолифларга қарши босим айнан Каримов даврида бўлгани каби давом этмокда ва уларга қарши қийноқ аввалгидай давом этмокда.

Бу ҳол халқ ичида президенти бўлган ишончинг борган сари камайишига сабаб бўлмокда», деди.

Ноумид бўлманг

Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистонда яшайдиган ўз тарафдорларига, «Конституциявий ҳақ-ҳуқуқларингизни сўнгги 27 йил

давомида қандай ҳимоя қилиб келган бўлсангиз, айти тарзда ҳимоя қилишда давом этинг, ноумид бўлманг, аммо умидларга ортиқча берилиб ҳам кетмасдан ҳаракат қилайлик», дея мурожаат қилди.

*Манба: yenisafak.com
Туркия туркчасидан
ўзбекчалаштирилди*

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, АҚШ президенти Дональд Трамп Нью-Йоркда пикап автоулови билан 8 одамни босиб ўлдирганликда гумонланиб 29 ёшли Ўзбекистон ватандоши Сайфулло Ҳабибуллаевич Соипов қўлга олингани ортидан “экстремистликка мойил иммигрантларни” қатъийроқ текшириш тўғрисида кўрсатма берган. 31 октябрда Куйи Манхэттен минтақасида содир этилган мазкур террор ҳаракати оқибатида ўндан ортиқ одам ҳам жароҳатланган.

Президент Трамп ўзининг Твиттер саҳифасида “Мен ҳозиргина хавфсизлик хизматида қаттиқ текшириш дастуримизни фаоллаштириш тўғрисида кўрсатма бердим. Сиёсий сиполик яхши нарсаси, лекин бу ҳолатда эмас”, деб маълум қилди.

31 октябрь куни Нью-Йоркда содир этилган воқеа Нью-Йоркда 2001 йилда Эгизак бинолар қулаганидан бери амалга оширилган энг қонли ҳужум экани айтилмокда.

Бу АҚШда автоуловни одамлар устига ҳайдаш йўли билан амалга оширилган биринчи террор ҳаракати бўлди. Бунга қадар бундай ҳужумлар Европанинг қатор давлатларида амалга оширилган эди.

Нью-Йорк мэри Бил де Бласионинг айтишича, 31 октябрда Куйи Манхэттен минтақасида пикап автоуловининг велосипед йўлагига юриши оқибатида 8 одам ҳалок бўлган.

Расмий хабарда билдирилишича, ҳалок бўлганларнинг 5 нафари аргентиналик, бир нафари бельгиялик бўлган.

Бил де Бласио бунга “беғуноҳ одамларни нишонга олган террорнинг кўрқоқ амали” дея баҳолади.

Маҳаллий матбуотнинг хабар беришича, ҳодиса жойида қўлга олинган гумондор шахс Қўшма Штатларга 2010 йилда борган



Нью-Йоркда ўзбекистонлик томонидан амалга оширилган ҳужумда 8 одам ҳалок бўлди

Сайфулло Ҳабибуллаевич Соипов исми 29 яшар Ўзбекистон ватандошидир.

Қутқарувчиларга кўра, ҳужумда яна ўндан ортиқ одам яраланган.

Полициянинг айтишича, кирага олинган автоулов мактаб автобусига бориб урилишидан олдин велосипед ҳайдовчилари ва пиёдаларни устига юрган.

Сўнгра Соипов қўлида пэйнбол қуроли ва пневматик тўппонча билан воқеа жойидан қоча бошлаган. Полиция уни қорнидан яралаб, ҳибсга олган.

NBCNewYork.com намоиш этган видеода Соиповнинг қўлида кўринишидан пэйнбол қуролини тутган ҳолда автомобиль йўлидан югуриб бораётгани кўринади.

Полициячилар томонидан Соипов полиция ҳибсхонасига олиб кетилган. Расмийларга кўра, полиция уни Нью-Йоркдаги шифоналардан бирига тиббий ёрдам кўрсатиш учун олиб кетган.

Расмийларга кўра, яққа ўзи ҳаракат қилган ҳужум пайтида “Оллоҳу Акбар” дея қичқирган.

Қўшма Штатларда яшовчи диний фаол, блогер Мираҳмат Мўминов Нью-Йоркдаги ҳужумни содир этгани айтилаётган Сайфулло

Соиповни танишини айтади:

“Ўзбекистондан келган пайти дастлаб Нью-Йоркда яшаган. Ўша ерда ўзбекистонлик бир қизга уйланган. Икки фарзанди бор. Бундан бир неча йил олдин 5 ўзбекистонлик ИШИДга молиявий ёрдам беришда айбланиб қўлга олинган. Шу ўзбекистонликлар билан дўстона алоқада бўлган. Улар қўлга олинган пайтда жуда кўрқиб юрган бир муддат,” дейди Мираҳмат Мўминов.

Унингилова қилишича, Сайфулло Соипов “ўта агрессивлиги билан ажралиб турган”.

“Сайфулло асли тошкентлик. Охайо штатида яшаган пайтидан танийман. Ўзи юк машинаси ҳайдарди. Бу йигит табиатан урушқоқ эди. Ўта агрессив эди. Жуда радикал исломий қарашда эди, деб айта олмайман. Масжидда бир кўриниб, бир кўринмай юрарди. Хактери сабаб маҳаллий ўзбеклар билан келиша олмай қолганидан кейин Флорида Штатининг Тампа шаҳрига кўчиб кетди. У ердаям икки ярим йилча яшади ва сўнгра Нью Йоркга кўчиб кетди,” деди Озодлик билан суҳбатда Мираҳмат Мўминов.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ўзбекистонда мухолифат фаоли Ислом Холбойга нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Конституциявий тузумга тажовузда гумонланаётган мухолифатчи иши давлатга қарши фитнада айбланаётган журналист Бобомурод Абдуллаевнинг ишига алоқадор бўлиши мумкин.

Туркияда қочкинликда яшаётган Ислом Холбой мухолифатдаги Ўзбекистон Халқ ҳаракати саҳифасидаги чиқишлари билан таниш. Ҳаракат раиси Муҳаммад Солихга кўра, журналист Абдуллаев ишини юритаётган МХХ давлатга қарши фитнада айбланувчилар сонини имкон қадар кўпайтириш мақсадида.

МХХ томонидан давлатга қарши фитна уюштиришда айбланаётган журналист Бобомурод Абдуллаев билан боғлиқ жиноий иш тафсилотлари ҳамон номаълум. Ҳуқуқ ҳимоячилари тарқатган сўнгги маълумотда Равшанбек Салаев ва Шавкатжон Оллоёровлар Усмон Ҳақназаров таҳаллуси остида ёзган журналистнинг асосий манбалари сифатида ҳибсга олингани хабар қилинган эди.

Кейинчалик бир йилча аввал Тошкентда ҳибсга олинган ёш тадқиқотчи Ақром Маликов ҳақида маълумот чиқди. Абдуллоҳ Нусрат таҳаллуси остида мақолалар чоп этиб келган мутахассис нимада айбланаётгани, Абдуллаев иши билан қанчалик боғлангани номаълум. Унинг мақолалари ҳам асосан мухолифатдаги Ўзбекистон халқ ҳаракати саҳифасида чоп этиб келинган.

Ўзбекистон халқ ҳаракати раиси Муҳаммад Солих ҳаракат саҳифасининг фаол муаллифларидан бири, “Эрк” партияси аъзоси Ислом Холбойга нисбатан конституциявий тузумга қарши тажовуз айби билан жиноий иш очилганини, Ислом Холбой ҳам МХХ томонидан тайёрланаётган давлатга қарши фитна ишига тиркалиши мумкинлигини айтади.

“МХХ ходимлари Ислом Холбойнинг Бухоро вилояти, Қоракўл туманидаги уйига бориб, унинг синглисига Ислом Холбой ва ўғлига нисбатан 159-модда бўйича жиноий иш очилганини маълум қилишган, яъни расмий айблов билдиришган. Ислом Холбой Бобомурод Абдуллаевни танишини, у Усмон Ҳақназаров таҳаллуси остида мақолалар ёзгани ҳақида мақола эълон қилган эди. Улар шундан ушлаб, демак, сен ҳам Бобомурод Абдуллаев гуруҳидан



Ўзбекистонда хориждаги мухолифатчига қарши жиноий иш очилди

экансан, сенга ҳам 159 билан иш очамиз, дейишмоқчи. Бу МХХнинг услуги, шунчалар саёз, кўпол”, – дейди Муҳаммад Солих.

Айни пайтда қочкинликда яшаётган Ислом Холбой ўзига нисбатан очилган жиноий иш тафсилотларидан хабарсиз, аммо айблов давлатга қарши фитнада гумонланаётган Бобомурод Абдуллаев ишига боғлиқлигини айтади:

“Бобомуроднинг бўйнига бу жиноятни (давлатга қарши фитна) илиш қийин. Унинг ёзганлари бир журналистнинг ёзганлари, оддий маҳкама орқали ҳал қилиниши мумкин бўлган нарсалар. У давлатга қарши ҳеч нарса қилмаган, тўнтариш қилмаган. Аммо уларга гуруҳ, Бобомуроднинг атрофига одамларни йиғиш керак, бунинг учун нималарнидир, кимларнидир кидиришяпти, шулардан биттаси энди мен бўляпман. Қолаверса, Бобомуродни танишимни очик ёзганман”, – дейди Ислом Холбой.

Журналист Бобомурод Абдуллаевга нисбатан очилган жиноий иш давлатга қарши фитна уюштириш, ҳукуматни куч билан ағдаришга уринишни назарда тутди. МХХ юритаётган бу махфий жиноий иш юзасидан ҳозирча уч киши ҳибсга олинган. Давлатга қарши жиноятни кўзда тутувчи дастлабки айбномада Ўзбекистон халқ ҳаракати раиси Муҳаммад Солих ҳам кўрсатма берувчи гумондор сифатида келтирилган. Агар мавжуд тахминлар тасдиқланса Ислом Холбой бу жиноий юзасидан

айблов эълон қилинган навбатдаги гумондорга айланиши мумкин.

Муҳаммад Солихга кўра, МХХ Мирзиёев давридаги дастлабки йирик сиёсий ишнинг сценарийсини ишлаб чиқмоқда, айбланувчилар рўйхати янада кенгайиши мумкин.

“МХХ Бобомурод ҳибсга олингандан кейин унга кўшиб катта бир гуруҳ фoш этилганини эълон қилишга ҳозирланмоқда. Бу ҳудди 1999-йилда содир этилган Тошкентдаги портлашлар сценарийсини эслатади. Улар шу каби овоза бўладиган иш очиб, Мирзиёевни ҳам Каримовга ўхшатиб қўйишмоқчи, назоратга олишмоқчи. Агар шундай айблов эълон қилинса, бу Каримов режимининг ўзгармагани, ҳамон давом этаётганлигини англатади. Аммо биз Мирзиёев Каримов қилган хатолардан воз кечади, сиёсий ҳаётдан янги бир саҳифа очади деб умид қияпмиз”, – дейди Муҳаммад Солих.

Бобомурод Абдуллаев 27-сентябр куни ҳибсга олинган эди. Дастлаб, бир неча кун дом-дараксиз қолган журналист кейинчалик МХХ изоляторидан топилди, унга нисбатан давлатга қарши фитна уюштириш айби билан жиноий иш очилгани, Усмон Ҳақназаров таҳаллуси остида ёзилган мақолаларга муаллифликда айбланаётгани маълум бўлди.

Ҳибсда сақланаётганига бир ойдан ошаётган журналистнинг қамоқдаги аҳволи мавҳум, журналист билан кўришишига рухсат берилмаган, унинг ўзи Усмон Ҳақназаров эканлигини тан олган-олмагани ҳам маълум эмас. Давлат томонидан тайинланган адвокат Бобомуроднинг саломатлиги ҳақида, жиноий иш ва айблов юзасидан жамоатчиликка бирор маълумот тақдим этаётгани йўқ.

Ўзбекистонда навбатдаги журналистнинг ҳибсга олиниши халқаро ҳуқуқ ташкилотларининг эътирозига сабаб бўлди. 27-октябр куни Чегара билмас мухбирлар ташкилоти ҳам журналист Бобомурод Абдуллаев зудлик билан озод этилиши талаб қилинган баёнот тарқатди.

Баёнотда таъкидланишича, Бобомурод Абдуллаев Мирзиёев ҳокимияти даврида ҳибсга олинган илк журналист. Жамоатчиликка ислохотлар умидини бераётган янги ҳокимият бу имтиҳондан ўтиши, журналистни озодликка чиқариши шарт, дейди кузатувчилар.

Манба: Америка Овози



Журналист Бобомурод Абдуллаев иши бўйича хабар

Шу йилнинг октябр ойи бошида адвокат Муножат Парпиева тергов остида бўлган журналист Бобомурод Абдуллаевни химояси учун ордер тақдим қилароқ Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ) тергов бўлинмаси катта терговчиси подполковник Нодир Тўракуловга бир неча маротаба мурожаат қилган, аммо ҳеч қандай жавоб олмаган, ва фақатгина яна бир навбатдаги мурожаатдан сўнг адвокат билан учрашиш учун гуруҳ терговчиси Веселов Александр Александрович чиқган ва 31 октябрда терговда қатнашиш учун рухсат беришга сўз берган, ва бу куни ҳам адвокатга тергов жараёнида қатнашишга ва химоясидаги миждози билан учрашишга рухсат беришмаган.

Натижада адвокат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори номига Ўзбекистон республикаси МХХ терговчиларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлган. 2 ноябр куни адвокатни Бош прокурор ўринбосари Алишер Мирасилов қабул қилган ва унинг аризасини кўриб чиқишга, ҳамда 10-15 кун ичида ёзма равишда жавоб беришга ваъда берган.

2017 йилнинг 1 ноябр куни яна бир бошқа адвокат ҳам МХХ терговчиси Веселов А.А.га 159-модданинг 4-банди бўйича “Ўзбекистон республикаси конституциявий тузумига тажовуз қилиш. Ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш”да айбланаётган журналист Бобомурод Абдуллаевни терговда химоя қилиш учун ордер

тақдим қилган. МХХ терговчиси бу адвокатга ҳам 3-4 кунда терговга таклиф қилишлари ҳақида сўз берган.

Айни пайтда, айбланувчининг онаси Мадаминова Гавҳаржон хизмат ҳақи учун пулини тўлаган давлат адвокати Шарипов Ш.М.га кўнғироқ қилиб ўғли Бобомуроднинг соғлиги ҳақида сўраган, бунга жавобан давлат адвокати у билан охириги марта бир ой аввал кўришганини айтган, бу эса давлат адвокатининг тергов жараёнида расман иштирок қилганини тасдиқлайди.

Мустақил ҳуқуқ химоячиларининг ташаббускор гуруҳига ишончли манбанинг хабар беришича, Туркияда яшаётган, Усмон Ҳақназаров тахаллуси билан танилган Бобомурод Абдуллаев билан таниш бўлган, «Эрк» муҳолифат партияси ва Ўзбекистон Халқ Ҳаракати аъзоси Ислому Холбойга нисбатан Ўзбекистонда жинойи иш кўзғатилган. Ислому Холбойнинг Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги уйига МХХ ходимлари боришган ва унинг синглига унга нисбатан Ўзбекистон республикаси Жиноят Кодексининг 159-моддаси билан жиноят иши кўзғатилганини айтишган.

Ислому Холбойга нисбатан аслида қайси модда бўйича жиноят иши кўзғатилгани ҳозирча номаълум қолмоқда, афтидан МХХ Бобомурод иши атрофида айбланувчилар сонини кўпайтириб, бош айбланувчи сифатида Муҳаммад Солиҳни кўрсатган ҳолда кўргазмалар суд маҳкамасига ҳозирланмоқда. Ваҳоланки, Муҳаммад Солиҳнинг Усмон Ҳақназаров мақолаларига

ҳеч қандай даҳли йўқ. Худди шу сценарий бўйича 1999 йилнинг 16 феврал кунги Тошкент портлашлари билан боғлиқ ишда ҳам шу сингари ҳеч қандай далил, исботларсиз Муҳаммад Солиҳ айбланган эди, аслида эса портлашлар Ўзбекистон маҳсус хизматлари тарафидан уюштирилган эди.

Шунингдек, олинган хабарда яна МХХнинг бир зобити ҳам ҳибсга олинганлиги ҳақда айтилади. МХХ зобити 162-модда билан, ҳибсда бўлган тадбиркорлар Равшанбек Салаев ва Шавкатжон Оллоёровлар орқали маълумот бериб, “Давлат сирларини ошкор этиш”да айбланган ва МХХ тергов изоляторида сақланмоқда. Жиноят ишининг тўртинчи иштирокчиси 27 ёшли Ақром Маликов, Абдуллох Нусрат тахаллуси остида Интернетда ҳуқуқат тузилмаларини танқид қилувчи мақолалар эълон қилиб келган, у 1 йил аввал ҳибсга олинган.

Шу тариқа, барча ҳибсга олинганлар «Ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш»да айбланмоқда, бунинг учун ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолаш кўзда тутилган.

Мустақил журналист Бобомурод Абдуллаевнинг ҳибсга олинishi ва айбланиши БМТ, ЕХХТ, ЕИ, Хьюман Райтс Вотч, Амнести Интернейшнл, Чегара билмас муҳбирлар, Пен клуб, “Озодлик” радиоси/Озод Европа, Би-Би-Си ахборот агентлиги каби халқаро ташкилотлар ва бошқа чет эл оммавий ахборот воситалари учун қатта иш бўлди ва бу ташкилотлар Ўзбекистон президентига журналист Бобомурод Абдуллаевни дарҳол озод қилиш талаблари билан мурожаат қилишди ва журналистни унинг профессионал фаолияти учун конституциявий тузумни ағдаришда айблаш мумкин эмаслигини таъкидлашди.

Шундай қилиб, МХХ тергов изоляторида бу иш бўйича тергов 3 ой давом этишини, ва 1 йилгача чўзилиши ҳам мумкинлиги айтилган...

03.11.2017 г

Сурат Икромов
Мустақил ҳуқуқ
химоячиларининг
ташаббускор гуруҳи раиси
E-mail: surat.i@rambler.ru, suratikramov@gmail.com

“Озодик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистонлик таниқли блоггер, журналист ва иқтисод фанидан дарс берган ўқитувчи Ҳаёт Хон Насриддинов МХХ томонидан ҳибсга олинган. Тошкентлик мустақил журналист Алексей Волосевичнинг айтишича, блоггер 20 октябр куни ҳибсга олинган ва айни пайтда, МХХнинг ҳибсхонасида сақланмоқда.

Таниқли журналист Алексей Волосевич ўзининг Asiaterra.info Интернет нашрида хабар қилишича, 20 октябрга яқин ўзбекистонлик таниқли блоггер, журналист ва ўқитувчи Ҳаёт Хон Насриддинов (Ҳаётхон Ғайратович Насриддинов) Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ) томонидан қўлга олинган.

– Бу ҳақда менга ўзини Насриддиновнинг танишларимиз, деб таништирган кишилар хабар берди. Уларнинг айтишича, блоггер шу кунда МХХнинг Гвардейский кўчасидаги ҳибсхонасида сақланаяпти, дейишди. Ҳибс сабаблари – номаълум. Бундан ташқари, уни адвокатдан ўз ихтиёри билан воз кечган, деб айтишибди, МХХдагилар. Яқинлари хавотирда, – дейди журналист Волосевич.

Журналистнинг айтишича, Насриддиновнинг Тошкентда яшаётган оиласи матбуот билан алоқага чиқишни истмаётир. Волосевич бунинг сабаби оилага МХХ томонидан босим ўтказаетгани билан боғлиқ бўлиши мумкин, деб тахмин қилмоқда.

Ҳозир Россияда ишлаётган асли фарғоналик журналист, Фарғона.ру ахборот агентлиги бош муҳаррири Данил Кисловнинг



Тошкентда таниқли блоггер Ҳаёт Хон Насриддинов қўлга олинди

айтишича, Ҳаёт Хон Насриддинов 10 йилга яқин унинг нашрига мақолалар ёзган.

Данил Кисловга кўра, ҳибсга олинганига қарийб 15 кун бўлишига қарамай, блоггернинг нега ушланганига оид бирор маълумот йўқ.

– Унга қандай айблов қўйилганини ҳанузгача билмаймиз ва энг аянчлиси ҳам шу. Қарийб 16 кундан бери уни “инкоммуникадо” режими – яқинлари ва адвокат билан алоқадан узилган ҳолда сақлашмоқда. Унинг оиласи бизнинг агентлик билан алоқага чиқишга рози бўлмади, – деди Данил Кислов.

Ҳаёт Хон Насриддинов Фарғона.ру нашри учун ўз исми билан 15тага яқин жиддий таҳлилий мақолалар ёзган. “Уни журналист, деб ҳисоблайман”, дея баҳо берган Данил Кисловга кўра, 47 яшар Насриддинов асли тошкентлик иқтисодчидир.

Кисловга кўра, журналист иқтисод фани бўйича олий таълим

олган. Кейинчалик Япония ва Жанубий Кореяда малака оширган, адашмасам, у ерларда ҳам олий таълим олишни давом эттирган. У иқтисод фанлари номзоди, банк иши бўйича 30тадан ортиқ илмий мақола муаллифи. Сўнгги йилларда Тошкентдаги 94-сонли мактабда дарс бераётган эди.

– Мен уни режимнинг танқидчиси, демаган бўлардим, аксинча у ҳукуматга мойил автор эди. Аммо, унда иқтисодий-сиёсий таҳлил кучли эди. Мақолалар 2013-2016 йилларда ёзилган. У дунёқараши кенг бўлган, зиёли, илмли журналист эди. У бизнинг агентликда ишламаган, аммо биз учун мақолалар ёзган. Шунингдек, 2005 йилларда у Ўзбекистонда тузилган “Серқуёш Ўзбекистон” коалициясининг аъзоси ҳам бўлган ва бу ҳаракатлар бостирилган кезде, қисқа муддат ҳибс қилинган, Ўзбекистонни маълум муддат тарк этишга мажбур ҳам бўлган. 2011-йилларда, адашмасам, яна Тошкентга қайтган ва шундан сўнг мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлаётган эди, – дейди Данил Кислов.

Бундан ташқари, Ҳаёт Хон Насриддинов “Озодик” радиоси рус хизмати – Радио Свободага ҳам 30 дан ортиқ мақолалар ёзган. Унинг сўнгги мақоласи 2012 йилда чоп этилган. Ўз мақолаларда у Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий-иқтисодий ҳаётига оид актуал мавзуларни кўтарган, таҳлил қилган.

ЎХХ хабарлар бўлими



Н. Отахонов: “Бу кунлар”имни Матбуот агентлиги “экстремистик” деб топганини эшитдим

Ёзувчи Нурулло Отахоновнинг “Озодлик” радиосига норасмий манбаларга таяниб айтишича, унинг “Бу кунлар” китоби Матбуот ва ахборот агентлигида уч марта муҳокама қилинган ва 30 октябрь куни китобда “конституциявий тузумга тажовуз” борлиги тўғрисида расмий хулоса чиқарилган. Тошкент ИИББ Тергов бошқармасининг Отахонов ишига бевосита алоқадор мутасаддиси “Озодлик” радиосининг “Бу кунлар” экспертизасига оид саволини жавобсиз қолдирди.

Матбуот ва ахборот агентлиги ўтказган экспертиза 27 сентябрь куни Истанбулдан Тошкентга учиб келиши билан Тошкент аэропортида ҳибсга олинди, 1 октябрь куни озод этилган таниқли ёзувчининг китоби устидан ўтказилган иккинчи экспертизadır.

“Қўшимча экспертиза”

Нурулло Отахоновнинг 31 октябрь куни “Озодлик” радиоси билан суҳбатда айтишича, 1 октябрь куни озодликка чиқарилганидан бери ўтган вақт ичида сўроққа чақиртилмаган, 15 кунча аввал паспорти қайтиб берилган:

– Шундан кейин бемалол водийга бориб келдим, кеча Жиззахга таъзияга бориб қайтдим, ҳаракат эркинлигимга ҳеч қандай тўсиқ йўқ, деган ёзувчи, айни пайтда тергов билан алоқадор айрим норасмий хабарлар ўзида хайрат ва хавотир уйғотганини айтади:

– Ўтган бир ой ичида менга ҳам, адвокатимга ҳам терговга оид бирор расмий хабар берилмади. Паспортимни олишга борганда, китобларингиз экспертизага берилган, хулосаси чиқса, хабар қиламиз, дейишганди. Аммо норасмий хабарларга кўра, “Бу кунлар” китобим Матбуот ва ахборот агентлигида уч марта муҳокама қилинибди. 24 октябрь кунги муҳокамада МХХдан келган расмийлар эксперт комиссиясига, бу китоб ҳақида аввалги хулосани чиқариб беринг, деган топшириқ берибди. Кеча, 30 октябрь куни комиссиянинг учинчи йиғилишида ҳамма бир овоздан шу хулосани тасдиқлаб, китобда давлат тўнтаришига чақириб бор, деган хулосани тасдиқлабди. Билган жойим шу ергача, бошқа нарса

билмайман. Тошкентда эканимни билиб туришганига қарамай, мени чақиртиришмади ҳам, билдиришмади ҳам, дейди Нурулло Отахонов.

31 октябрь куни Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг “Озодлик” радиоси боғланган бир эмас, уч расмийси, бундай муҳокамалар бўлиб ўтгани ва унда Нурулло Отахонов айтган хулосага келинганига оид маълумотни на тасдиқлади ва на инкор қилди. Учала расмий ҳам бирдек “бундай йиғилишда бевосита қатнашмагани ва ундан беҳабар”лигини айтиш билан чекланди.

Айни пайтда, Тошкент ИИББ Тергов бошқармасининг Отахонов ишига бевосита алоқадор мутасаддиси ҳам “Озодлик” радиоси билан суҳбатда ёзувчи китоб устидан янги экспертизанинг қайси идорага топширилгани ва унинг қайси босқичда эканига оид саволини жавобсиз қолдирди.

“Айблов асоси”

Президент Шавкат Мирзиёев чақириқларидан руҳланиб, Туркиядаги муҳожиратдан қайтган ёзувчи Нурулло Отахоновнинг Тошкент аэропортида ҳибсга олинishi, ижтимоий тармоқлардаги фаол ўзбекистонликлар орасида эътирозга сабаб бўлган эди.

Ҳам мамлакат ичкариси, ҳам халқаро майдонда билдирилган танқид ва президентга қилинган чақириқлар ортидан ёзувчи озод қилинган бўлса-да, Отахоновга нисбатан 2017 йил 11 май куни Яшнобод тумани ИИБ томонидан очилган иш юзасидан тергов жараёни давом этмоқда.

Ёзувчи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 159-моддаси 1-қисми («Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумига тажовуз қилиш») ҳамда 244-1 моддаси, 3-қисми, «г» банди («Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш, оммавий ахборот воситалари ёки телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этиш») бўйича айбланмоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси бошлиғи Дониёр

Тошхўжаев Нурулло Отахонов иши юзасидан берган баёнотида, “барча зарур тергов тадбирлари ўтказилади, агар зарурат туғилса, қўшимча экспертиза белгиланади”, дея маълум қилган эди.

Айни пайтда, “қўшимча экспертиза” чиқарилган хулосанинг тергов жараёнидаги салмоғи, унинг йўналишига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида расмий изоҳ берилганича йўқ. Жорий йил бошида “Бу кунлар” китобини экспертизадан ўтказган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси чиқарган хулосага кўра, китобда «экстремистик» ғоялар мавжуд, деб топилган эди.

“Сўнгги умид – президентдан!”

23 октябрь куни ёзувчи Нурулло Отахонов Facebookдаги саҳифасида, ўзининг ҳибсдан озод этилиши бевосита президент Шавкат Мирзиёев топшириғига кўра амалга ошгани ҳақида билдирув ёзиб, президентга миннатдорлик билдирган эди.

“Ташвишли кунларим менга жони-дили билан қайишган дўстларимдан бири бугун тилпон қилди. Одамни тўлқинлантириб юборадиган бир-икки хабар айтиб қолди. Менинг ишимга шахсан Президент аралашибди! Қамокдан шошилиш чикарилишим бевосита у кишининг ташаббуси экан!”

Тўғриси, илк кунданок мен буни тахмин қилган эдим. Аммо қўлимда аниқ бир билги бўлмагани учун то шу кунгача индамай келдим. Дўстимнинг қатъий ишонч билан айтган гапи менинг тахминимни ҳам қатъий ишончга айлантди. Қўнглим кўтарилди. Ҳозирча “Иш”им тўла ёпилмаган, келажак тақдирим ҳали унча ойдин эмаса-да, олдиндан ўзим ва оилам номидан мамнуният ва ташаккурларимни билдириб қўйгим келди. Оллоҳ рози бўлсин!” деб ёзди Нурулло Отахонов қўшимча экспертизага оид тафсилотлар хабарини олиши арафасида.

“Озодлик” радиоси билан суҳбатда ҳам ушбу фикрларни таъкидлаган ёзувчи, бир ижодкор ва унинг романини жиноятга боғлаш жараёнига яна бевосита президент аралашуви нуқта қўйишига умид билдирди.

Манба: “Озодлик” радиоси

Йўқ, мен ана у паспортимни доимий пропискадан чиқариб юборишганлари учун у қадар куйинаётганим йўқ....

Шунчаки... Бир ҳуқуқбондан, маслакдошимиздан ҳақорат эшитдим....

Шунинг учун юрагим сиқилиб кетаяпти...

Кўнглим ниҳоятда хуфтон.... Қил сиғмаяпти...

Негаки бу ҳақорат биргина менинг шаънимга эмас, жамики “областнойлар”нинг шаънига айтилган ҳақорат, инсон ҳуқуқларининг юзига туширилган шапалоқ, Конституциямиз талабларига қарши камситиш эди.....

Хуллас, воқеа мана бундай бўлди.

Кунни кеча тушлик пайтида оқсоқол ҳуқуқ ҳимоячисининг (отларини отоқламоқ кўя қолай) қаршисига чўқдим. Тушлик баҳона кўмак сўрамоқчи бўлдим.

– Нима қилдик бу ёғига, ака? Сиз кўпни кўрган, бир куйлак ортиқ йиртган, тажрибали инсонсиз. Маслаҳат беринг, доимий пропискам хусусидаги ҳангомалардан хабардорсиз.... Доимий пропискамни суд орқали тиклашимда кўмаклашинг, – дея илтимос қилиб, балога қолдим.

– Бир гапни, очигини айтсам, хафа бўлмайсизми?, – деди инсон ҳуқуқлари” соҳасининг отахони, – Мен юзга айтишни яхши кўраман. Яхшиси, ана боринг, Самарқандингизга бориб тинчгина яшасангизчи-а? Нима қиласиз Тошкентда? – дедилар елкасини қисиб, – Ҳаммангиз шу ерга, Тошкентга қараб чопасиз-а? Сиз хафа бўлмангу, бу қадимда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлади. Ҳамиша пойтахт ёпиқ шаҳар бўлган. Айтингчи, бурун нега шаҳар қалъа билан ўралган? Шаҳар дарвозаси арз билан келган аҳоли учун эрталаб бир бор очилган холос.... Мана, қаранг, ҳозир Тошкентимизда 3 миллионга аҳоли бор дейилмоқда. Сиздақаларни, прописка қилган, қилмаганларни ҳисоблаганда

Дилим хуфтон бўлиб қолди...

бугунги кунда аҳоли сони 5 миллионга етган. Ана энди ўзингиз ўйлаб кўринг, булар пропискани очиб юборадиган бўлса, нима бўлади? Айтингчи? Тасаввур қилаяпсизми, нима бўлади? Мурча-малаҳдек одам босиб кетади-ю бу ерни. Ўшанда одам сони 5 миллионга эмас, 10 миллиондан ошиб кетади. Кейин бу ерда нафас олиб бўладими? Транспортда юриб бўладими? Пойтахтга сиз кабиларнинг оқиб келиши ҳисобига мана, масалан мен совуқ уйда яшашга мажбур бўлмоқдаман.. Одам сонининг ошиб кетиши ҳисобига газ босими жудаям пасайиб кетган. Устига-устак сув босими ҳам жуда паст. -айнан ана шундай жавоб бўлди....

Очиги мен инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг оқсоқолидан бунингдек лутф кутмаган эдим.

Ўқиниб кетдим.

– Ака, мен пойтахтга кеча келиб қолган эмасман. 1988 йил эди ҳозир пропискадан чиқариб юборилган хонадонга келиб доимий рўйхатга кўйганим. У пайтларда қизалоқ эдим, талаба эдим. 30 йилдан бери шу ерданман, битта уйда пропискадаман, ака...., – гапимни тугата олмадим.

– Гап сизнинг пойтахтга қачон келиб қолганингизда эмас, нега тушунмайсиз? Ё тушунганингиз келмайди. Вилоятингизда ҳам кимдир яшаши, кимдир шароитларни яратиши керак-ку. Ана, Самарқандга боринг, ўша ерда инсон ҳуқуқлари билан шуғулланинг, иш ўринлари яратинг, ўша ерда ҳам одалмарга шароит қилинг, ойликлар кўтарилсин. Истасанглар, пойтахтни Самарқандга кўчиринглар, истасанглар Бухорога. Ҳа, нима, бир пайтлар пойтахт Самарқанд бўлгану. Хуллас, шуни билиб кўйингки, Тошкентда фақат зодогон ва бойлар, илиги тўқлар яшаган ҳамиша, – деса бўладими оқсоқолимиз....

– Бу гапингиз билан “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий ва вақтинча прописка...” тўғрисидаги Конституцияга зид бўлган қонунни қўлламоқчимисиз? – лутқа ташладим.

– Не дай Бог Тошкентга пропискани очиб юборишса, нима бўлишини биласизми? Йўқ, ҳаммаси тўғри, бироқ биласизми,... гап нимада.... Нега энди вилоятдагиларни яхши шароитда яшашларини яратиш учун бу ерда яхши яшаётганларнинг шароитига соя солиш керак? Ундан кўра ҳар бир вилоятнинг ўзида ўша ернинг халқига шароит қилганлари яхшироқмасми? Йўқ, майли, пропискани очишсин, қаршимасмиз, аммо бунинг учун олдин газ ва сув таъминотини яхшилашсин, захирани ғамласин, ана ундан кейин... Ҳали Тошкентга пропискани очишга вақт бор... Ҳали эрта..., – деди суҳбатдошим....

Йўқ, мен оқсоқолни айбламоқчи эмасман. Ҳамма ҳам мустақил фикрини баён қилиш ҳуқуқига эга.

Оқсоқол киндик қони тўкилган шаҳрини вилоятдан келган кишиларсиз кўришни истаса, айб эмас албатта.

Бироқ барибир инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасининг отахони айтган гаплардан дилим оғриди....

Кўнглим хуфтон бўлиб кетди...

Инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг билимдоники шундай деб турганларидан кейин мен “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий ва вақтинча прописка...” тўғрисидаги қонун “ижодкор”ларидан, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида ўтирган шаввозлардан..

Конституцияга зид бунингдек қонунни тасдиқлаган Сенату Президентдан ўпкаласам ўринли бўлармикин дея ўйланиб қолдим....

Малоҳам ЭШОНҚУЛОВА
[facebook.com](https://www.facebook.com/)

Йигирма олти йил Каримовнинг оғзига қараб яшадик. Бу йиллар ичида олдинга қараб бир қарич ҳам силжимадик. Аксинча, ҳар кун орқага кетдик.

Зулмлар ва таҳқирлар остида Совет йилларида ҳарна орттирилган тажрибалар ҳам, бир телбанинг инжиқликлари боис тамоман бой берилди.

Мустақиллик даври, ерларимизни қонга қориб, босиб олган рус истилочилардан мерос қолган бир тутам ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳам кунпаякун этди.

Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган йигирма олти йиллик давр, биргина диктатор “Каримовнинг мустақиллик даври” бўлди, бу давр унинг оиласи ва оиласи атрофидагиларга “рўшнолик” олиб келди.

Худбинлик асосига қурилган бошқарув туфайли миллатнинг соғлом ва қўлидан иш келадиган навқирон қатлами бошсиз подадай ер юзига сочилди, мамлакат ичида яшаётганлар бир гуруҳ кимсаларнинг қулига айландилар.

Аслида, соғлом ва қўлидан иш келадиган, ёт ўлкаларда хор-зорликда бир бурда нон топиб, узокларда қолган яқинларини боқаётган мана шу асосий қатлам, ичкарида мамлакатнинг тараққиётини ва миллатнинг шонли келажagini таъминлаши учун зарур эди.

Юртда чинакам Мустақиллик рўй берган бўлса, ўзини халқнинг раҳнамоси ҳисоблайдиган Каримов уларнинг орасидан миллатнинг ор-номуси учун курашадиган ҳақиқий шахслар – тижоратчилар, фермерлар, зиёлилар, муҳолифат ва ҳақозалар етишиб чиқиши учун замин ҳозирлаши лозим эди.

Бутун масъулият ана ўшаларнинг зиммасига юкланса, чиранишга ҳожат қолмасди. Мамлакат инқирозга юз тутмас, ёлғон ва куракда турмайдиган ўйинларга эҳтиёж туғилмасди.

Акси, мустақил Каримов уларни қонунларда кўрсатилган барча ҳуқуқларидан маҳрум этди. Боз устига “дангасалар” дея, уларни ҳақорат этишдан тилини тия олмади.

Мустақилликнинг илк йилларидан юқоридагилар кучга тўлиб келадиган ёш авлоднинг кўзи очилишини истаган эмас.

Муҳолифатни йўқотиш учун тиш-тирноғи билан кураш бошлаган ҳуқуқат, сиёсий



159-МОДДА ЎЗБЕКНИНГ БОШИДА БОЛТАМИ?

рақобатни сўндирмасдан, бу ишни амалга ошира олмаслиги мумкинлигини сезиб, ўзига мақбул бошқарув тизимини жорий этиш учун, ўзи четда туриб, портлашлар уюштирган ва “диний оқим”ларга замин қурган. Бузғунчи гуруҳларнинг бузғунчиликларига зимдан шароит яратиб берган.

Уларнинг биринчи мақсади соғлом табакани муҳожирликка йўллаб, ташқаридан жўнатилаётган пуллар эвазига давлатнинг камомадларини қоплаб туриш эди.

Иккинчи ёқдан иш ўринлари танқислиги сабаб, бекорчиликдан муаммо келтириб чиқариши мумкин бўлган норозилар потенциални радикал ҳаракатлардан чалғитиб, мамлакат ичкарисидан барқарорлик (ўзларига қулай бўлган муҳит)ни таъминлаш эди.

Ўтмишу келажакка, урф-одатлар ва дину диёнатга ҳам шу битта шахс дунёқарашидан келиб чиқиб, муносабат билдириладиган бир замон бошланган эди.

Биз ҳаммасига “мардонавор” чидадик.

Кўрқоклигимиз, “бағрикенглик” деб аталди.

Мағлубиятларимизга “тангилик”, “сабр-бардош” деб ном бердик.

Атрофимиздаги қардош республикаларда бир неча йиллардан буён қонли жанглар давом этаётгандай, “Каримов тинчликни сақлаб турибди, шукур қилиш керак” деб бир-биримизни овутиб келдик.

“Жимлик”ни “тинчлик”ка алмаштириб қўйиб, муаммоларга орқа ўгириб олдик. Елкамизга масъулият олиб, ватан олдидаги бурчни қойиллатиб адо этиш

ўрнига, инон-ихтиёримизни бир кимсанинг қўлига бериб қўйиб, замоннинг масҳарабозлигига қўшилиб, ўз зараримизга қўл ишларни амалга оширдик.

Холбуки, инсонийлик шаъни ҳаққи-ҳурмати қонунларнинг пештоқида устивор туриши шарт бўлган ҳамма маънавий унсурларимиздан мосуво қилинган эдик.

Биз эса, энг оддий ва таъмалли ҳақларимиз бўлмиш моддий эҳтиёжларимиздан бошқасига қайрилиб ҳам боқмадик.

Биргина, қорин тўйдириш ва қандай бўлмасин яшаб қолиш ғамида бўлдик.

Аслида, ич-ичимиздан шундай бир қалтис замонда жонимизни асраб, тирик юрганemizдан хурсанд эдик. Диктаторнинг бир кун бошига муқаррар ўлим шамшири етиб, доруломон кунлар келишини кутиб яшар эдик.

Йигирма олти йил давомида диктаторнинг “Мустақил” деб аталмиш “ЎЖК 159-моддаси” рақамли “Ўлим машинаси” ичидаги “Турғун театр”да исталмаган ролни ижро этдик, холос.

Кимдир қотил, кимдир жабрдийда ролини қойилмақом қилиб ўйнади.

Нафсиламбирини айтганда, ҳамма бир вақтнинг ўзида ҳам қотил, ҳам жабрдийда эди. Оёқлар бошга, бошлар оёққа дўнган эди.

Оч ҳам тўқ ҳам, шоҳ ҳам гадо ҳам шунга маҳқум этилганди.

Аслида, сўнги тўрт аср давомида бўлгани каби, ҳаммаси бизнинг ношудлигимиз, оғзи олалигимиз, сиёсий саводсизлигимиз сабабли

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

рўй берди.

Жадидларнинг ўз вақтида йўқ қилиниши узун йиллар жамиятнинг фикрини чалғитиб, миллатимизнинг оёғидан чалиб келди. Ўз кутбларини чалкаштириб юборган ўзбекка кутбларни созлашга имкон бермадилар. Қаддини ростлашга уринган маёқларни ҳали учкун сачратишга улгурмасидан, уриб чилпарчин этдилар. Бу муштумзўрлик Совет давридан кейин “Каримов мустақиллиги” даврида авж нуктасига кўтарилди.

Бу ўйинда, насибасини олмаган кимса қолмади. Оддий фуқаро сингари мулозим ҳам, ҳатто МХХ ва бошқа соҳа соҳиблари ҳам, “эртага нима бўлар экан” дея ишончсизлик туйиб, юрак ҳовучлаб яшади.

Коммунист саркитлар ўртага келтирган “ўлим машинаси”, уларнинг ўзларини ҳам аямади. Ҳукумат бошидагилар ўзлари орзу қилган ихтиро қаршисида ҳар доим кўркиб-қакшаб турди.

Шу кунларда бу дахшатли гилотина, худди Кафканинг (“Колонияда”) ҳикоясидаги каби, ўз ихтирочисини бўлмиш МХХ раиси Рустам Иноятовнинг боши узра соллана бошлади.

Рустам Иноятов таасаввур қилиб бўлмайдиган вахшатли бир кўрқув ичида, ҳар кун юз марта лаб ўлиб-тириляпти. Уни ҳатто Мирзиёв ҳам кутқариб қололмади, чунки қотилликнинг натижаси шундай булади. Вулқон оғзига кўкрак босиб, отилажак оловни тўсиб бўлмагани сингари, ўзи содир этган жиноятлардан ўзини асраб қололмастлигини у билса-да, вақтни чўзишга, қандайдир мўъжиза содир бўлишига умид боғляпти.

Аммо, бутун Ўзбекистон бир бўлиб, Каримов кўмиб кетган мина ўпқонига кўкрак берганда ҳам, барибир қутилмаганда бир кун бу дахшатли портлаш рўй беради. Рустам Иноятовнинг давлат мулозимларини кўрқитиб, жиловлаб, уларнинг тилини боғлаш учун пеш қилаётган компраматлари яқин орада ҳеч нимага арзимамай қолади.

Ўзбек халқи ҳақиқий Мустақил бўлиш учун соҳир қарвонлардек узок манзилларни кўзлаб йўлга чиқадиган кунга оз қолди.

Хурлик ва Озодлик, унинг Аллоҳ берган Ҳаққи, Ҳуқуқи. Аммо, ҳақ-ҳуқуқ берилмайди. Улуғларимиз эътироф этганларидек, улар

олинади, бошқа чораси йўқ.

“Охири тенг бўлар фил пашша жангги” деганларидек, диктатор Каримов ва унинг оиласи ҳам унинг ўзи бошлаган шу ўйинларнинг қурбони бўлди.

Жабҳада ғолиб бўлмагани каби, мағлуб ҳам бўлмастлиги аён бўлмоқда. Фақат йигирма етти йиллик зулм, эрксизлик, таҳқир ва қама-қамалар бутун бир миллатнинг чорак асрини елга совурганини ҳамма ҳис қилиб турипти.

Ота-боболаримиз амалга оширган ишлардан бизлар қанчалар фахрланиб келган бўлсак, келажак авлодлар бизларнинг ношудлигимиздан афсуланиб бизларни ёдга оладиган бир тарих пайдо қилдик. Фаолиятимизнинг тарихдаги ўрни “аросат” родини қиёмага етказиб ўйнаганлигимиз билан эътиборга молик.

Оғиз кўпиртириб мақтанишлар, “дунёда, биздан зўр йўқ” деб ҳаволанишлар, диктатор ўлган қуни сароб сингари ҳавога учди. Йигирма етти йил боримизни муштимизда асраб келганимиздан гумонимиз йўқ эди. Кафтимизни очиб, бугун бу йиллар асносида барча нарсаларимиздан айрилиб қолганимизни англаяпмиз...

Аммо биз бу шармандалиқлардан хулоса чиқармаганга ўхшаймиз.

Шавкат Мирзиёев давлат бошига келганда, “Аллоҳга шукр, ҳаммаси ортда қолди” дея енгил нафас олгандик...

Бироқ яна ҳаммаси эски йўлда давом этаётгандай туюла бошлади.

Ўтган бир йилга яқин вақт ичида қуруқ гапдан бўлак ҳеч нарса ўзгармагандай...

2016 йил ёз ойида Абдуллоҳ Нусрат таҳаллуси билан ижтимоий тармоқларда мақолалар ва шеърлар эълон қилиб келаётган Ақром Маликов (1990 йил туғилган) қўлга олинди. Тўғрироғи, МХХ тарафидан ўғирлаб кетилди.

Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган бу истеъдодли йигитни МХХ чекистлари Фитратларни, Чўлпону Усмон Носирларни овлаган каби ҳуқуқларини поймол қилиб, ашаддий бир террорчини овлаган каби овлади.

Уни бир йилдан кўпроқ МХХнинг тергов ҳибсхонасида қийноқлар остида гизли тергов қилиб, бўйнига қилмаган жиноятларни илишга ҳозирландилар. Ундан ўн тўрт йилдан буён қидириляётган Усмон Ҳақназаров ясамоқчи бўлдилар.

Ҳолбуки, Ақром Маликовнинг Ҳақназаров ишига умуман алоқаси

йўқ. Мен Ақром Маликовни танимаганим каби, у ҳам Усмон Ҳақназаров – Бобомурод Абдуллаевни умуман танимасди.

Бу навқирон ва жасур йигитнинг зукколиги ва ўткир қалами уни МХХнинг душманига айлантирганди.

У маддоҳ, хоин ва манқурт бўлганда эди Миллий Хавфсизлик Хизматидагилар унга қайрилиб ҳам бокмасдилар. Чунки МХХ жиноятчилардан эмас, ҳур фикрловчи инсонлардан кўрқади.

Каримов ҳаракатга келтирган ўлим машинасига фақат ҳур фикрлилар зарба бериши мумкинлигини улар яхши тушунадилар.

Усмон Ҳақназаров – Бобомурод Абдуллаев МХХнинг энг катта ўлжаси бўлди. Бунга севинган МХХчилар бир ҳафта байрам қилиб, бўкиб қолгунча ароқ ичганлари ҳақда хабарлар олдик. Чунки Усмон Ҳақназар Каримов ва унинг ўлим машинаси ижодқори булмиш кимсага қарши аёвсиз курашган бир қахрамон эди. Энг жасур журналист – “ўлик жонлар” диёридан отилиб чиққан тирик ва кескир овоз эди.

У ўзбек журналистқасида зулмга, адолатсизликка қарши сўзини қурол қилиб, янги бир даврни бошлаб берди.

Бобомурод президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат бошига келганидан бениҳоят хурсанд эди. Унинг ислоҳотлари яқин келажакда ижобий натижаларга олиб келишига қаттиқ ишонарди. Ўзбекистон давлати уни “овлаши” эмас, эл-юрт олдида унинг қилган меҳнатларига муносиб баҳо бериши керак эди.

Барчаси, тесқари бўлди. Бутун воқеалар мустабид Каримов давридаги сингари қонунсизлик пардаси ортида ривожланди.

Бу ҳолат нафақат Ўзбекистон ташқарисидаги қатламларни, мамлакат ичидаги қатламларни ҳам гангитиб қўйди. Бугун ҳамма, бу воқеа нима билан тугар экан, дея вазиятни кузатиб турипти.

Биз бу ерда фақат икки жабрдийда хусусида фикр юритаяпмиз. Аслида, бу сингари ноҳақ жабр тортаётганларнинг сони юзлаб экани ҳеч кимга сир эмас.

Мен ўзим ҳам ноҳақ қамалдим. Қамоқхонда қилмаган айбим ва соғлигим эвазидан мислсиз товон тўладим. Кўп таҳқирларни бошимдан кечирдим. Қанчадан-

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: *Боши олдинги саҳифада*)

қанча таҳқирланганларнинг юрак розларини тингладим.

Кутулиб чиқиб, кўрган-билганларим, эшитганларим ҳақида бир неча китоб ёздим.

Шавкат Мирзиёев давлат бошига келганда, “янги бир давр бошланди”, деб ўйлаб таҳаллусдан воз кечдим ва номимни очикладим. Яширин номлар остида мақолалар эълон қилишни тўхтатдим. Имкон туғилди деб ўйлаб, мамлакат тараққиётида фаол иштирок этиш учун ошиқдим.

Аммо, қаттол замон менинг самимиятимни тўғри қабул қилмади.

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон халқ шоири ва тарихчи Хуршид Даврон бир ой аввал Тошкент аэропортида ҳибсга олинган ёзувчи Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон (Нурулло Отахонов) қаламига мансуб

Дўсту биродарлардан ташвишли хабарлар кела бошлади.

“Сени қидирувга беришибди”, “сенга 159 илишибди” деган хабар олдим.

Мен хайрон бўлмадим, изтиробга тушмадим.

Чунки Ўзбекистонда қутилмаганда бир бало рўй беришига биз кўниккан инсонлармиз.

Ўзбекистонда “159” деган бир “подшоҳ” бор. Каримовнинг меросхўри. У ҳали ўлгани йук, ўлдиришда давом этаяпти. У куч-қудратда, вазиятни у бошқараяпти.

Аммо, қўлимда расмий маълумот бўлмагани учун “ундай бўлмаса керак”, деб ўйлагандим. Чунки мен

“159”нинг ғазабини кўзғатадиган бирор бир ҳаракат қилмаганман, деб ўйлагандим.

Аммо иш жиддийга ўхшайди. Хар ҳолда, таҳлилчилар тахмин қилганидай, Усмон Хақназар – Бобомурод Абдулла сценарийсини каттайтириш учун персонаж сонини кўпайтириш ташвишига тушган шекилли МХХ.

Миризеёевга ишониб, Тошкентга қайтган ёзувчи Нуруллоҳ Отахонга нисбатан ҳали ҳам тергов давом этаётган бир ўлкадан мен нимани ҳам кутишим мумкин?

ИСЛОМ ХОЛБЎЙ
02.11.2017
[facebook.com](https://www.facebook.com)



ёзади Хуршид Даврон ўз Фейсбук мурожаатида.

Ўзбекистон Вазирилари Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита “Бу кунлар” таркибида экстремистик ғоялар бор дея хулоса қилган.

Хуршид Даврон Нурулло Отахоновнинг “Бу кунлар” романи ҳақида фикр билдирди

“Бу кунлар” китоби ҳақида ўз фикрини билдирган.

Хуршид Даврон ўз Фейсбук саҳифасида ёзишича, “махсус ташкилотлар, хусусан мамлакат матбуот агентлиги” томонидан “Бу кунлар” асаридан айб топиш иши шиддатли тарзда давом этмоқда.

Унга кўра, Нурилла Отахоновни ҳимоя қилиш ишини унинг тарафдорлари “то оқлов ҳукми бўлмагунча давом эттириши” керак.

“Бу кунлар” китобининг экспертизасида қатнашаётган мутахассисларга қаратилган мурожаат қилар экан, Хуршид Даврон “бу асардан асосий мақсад танқид эмас. Мақсад – халқимиз, ватанимиз, давлатимиз қайғусидир”, – деб ёзади.

Нурилла Отахоновга Ўзбекистон Республикаси конституцион тузумига тажовуз қилиш бўйича жиноий иш очилган. У Тоштурмада бир неча кун ушлаб турилиши ортидан озод қилинган бўлса-да, тергов давом этаётгани айтилади.

Хуршид Давроннинг ёзишича,

хар бир ижодкор давлат сиёсатини муҳокама қилишга ҳақлидир.

“Энг аввало, таъкидлашим лозимки, ёзувчи асарини “роман” деб атаган. Адабиёт одами сифатида айтсам, бу асар хужжатли-публицистик йўналишда ёзилган, жанр талабидан келиб чиқиб, бадиий усуллар билан бойитилган, хужжатларга ҳам анча эркин-ижодий ёндашилган.

Ёзувчи бу асарни бир сиёсатчи сифатида эмас, бир зиёли, бир адабиётчи сифатида ёзганини асло унутмаслик керак. Зеро, адабиёт ҳаётнинг турли соҳаларини қамраб олганидек, эркин жамиятда яшаётган ҳар қандай ижодкор давлат сиёсати ҳақида ҳам ёзишга ҳақли эканини унутмайлик. Демак, “Бу кунлар”га баҳо беришда мен диққатни қаратган айни шу жиҳатларни алоҳида ҳисобга олиш лозим бўлади.

Асар қаҳрамонлари реал шахслардир, воқеалар ҳам теварак-атрофимизда бўлиб турган, ҳаммамиз ичида яшаб келаётган ҳаётдан олинган”, – деб

Аммо, Хуршид Давронга кўра, асарда муаллиф фақат давлатни эмас, балки диндорларни ҳам танқид қилади.

“Асарнинг икки бобида диққат диний ҳаётга қаратилган. Зеро, муаллиф узоқ муддат айнан диний соҳа ичида бўлган, шу соҳада катта ўрин тутган матбуот ва ноширлик соҳасида фаолият юритган. Муаллиф яқин кечмишимизда динга муносабатдаги айрим ҳаддан ошишларни танқид қилар экан, бунинг сабабини кўрсатишда фақат давлатни айбламайди, балки диндорларнинг ўзлари ҳам шундай кескин сиёсат юритилишига сабабчи бўлганларини таъкидлайди”, – деб ёзади адиб.

“Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Бу кунлар” асарининг экспертизаси билан шуғуллаётган мутахассислар асар ҳақида ҳукм чиқаришдан олдин, бу китоб орқасида бир ижодкор ва унинг тақдири турганини асло унутмасинлар”, – дея хулоса қилади Хуршид Даврон.

ЎХХ хабарлар бўлими



Ўзбек ёзувчиси Каримов ҳайкалига қарши чиқди

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, Москвада яшаб ижод қилаётган атоқли ўзбек ёзувчиси Темур Пўлатов Россия пойтахтида мустақил Ўзбекистоннинг биринчи президентига ёдгорлик ўрнатилишига қарши чиққан.

Бу ҳақда ёзувчининг ўзи душанба куни Фэйсбукдаги саҳифасида маълум қилди.

Москва шаҳар ҳокими Сергей Собянинга йўллаган мурожаатида Темур Пўлатов Ислоҳ Каримовга ёдгорлик ўрнатиш қарорининг қанчалик мантиқий эканини савол остига олади.

“Сергей Семёнович, мен сиздан сўрамоқчиман: Каримовга ёдгорлик ўрнатишдан Москва ва бутун Россия давлатига қандай манфаат бор?”, деб ёзади Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Темур Пўлатов.

Мурожаатнинг давомида у “Қайси иши учун? Андижон учунми? Эҳтимол, миллионлаб ўзбекистонлик меҳнат муҳожирларидадир Россиянинг манфаати?” деган саволларни қўяди.

“Бир сиз эмас, ҳуқуқ-тартиботчилар ҳам арзон ойлик учун россияликларнинг жойини олиб қўяётган дардисарлар ҳақида кўп гапиришди. Абортга қарши чиқаётган Бутун Россия патриархи Кирилл “туғинлар, бу Россияни меҳнат муҳожирларидан қутқаради!” деб айтди.

Албатта, ҳеч ким мигрантлар деган бу “бош оғриғи”ни Каримов яратгани ҳақида лом-мим демайди”, – деб ёзади рус тилида ижод қиладиган атоқли ўзбек ёзувчиси.

Утган жума Москва шаҳар ҳокими Сергей Собянин Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислоҳ Каримов хотирасини абадийлаштириш

тўғрисидаги фармойишни имзолаган.

Ёдгорлик “Большая Полянка” кўчасидаги 39-ўйнинг 1-иншооти ва 1-Казачий кўчасидаги 13-ўй ўртасидаги хиёбонда ўрнатилади.

Хиёбон Ўзбекистон консуллик бўлими яқинида жойлашган.

‘Йўқотилган авлод’

Темур Пўлатовга кўра, Каримовнинг ўз бошқарувининг биринчи йилларидаёқ ўртага ташлаган “Ўзбекистон-келажаги буюк давлат!” деган шиори “марксча-ленинча бошқа шиорлар қатори уйдирма бўлиб” чиққан.

“Ўзбекистон мустақил бўлганидан кўп ўтмай, иш излаганлар оқими бошқа давлатлар, жумладан Россияга оқишни бошлади. Истибодда чидамаган бошқа минглаб турли касб эгалари, мутахассислар мамлакатни тарк этишди”, – деб ёзади у.

Ёзувчининг фикрича, Каримов йилига мамлакат ғазнасини миллиардлаб долларлар билан тўлдираётган мигрантларга раҳмат айтиши керак эди.

“Бунинг ўрнига уларни “дангасалар” деб атади”, – дея давом этади адиб.

Темур Пўлатовнинг фикрича, “Ўзбекистон халқининг бир ўлкадан иккинчи бир ўлкага бу каби стихияли кўчиши ҳатто Туркистон Чор Россияси томонидан мустамлака қилинган вақт ҳам кузатилмаган”.

Расмий хабарнинг ёдгорлик мажмуаси Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримова ҳамда қизи Лола Каримова-Тиллаевалар таъсис этган жамғарма томонидан молияланиши ҳақидаги қисмига эътибор қаратган ёзувчи президентнинг оила-аъзолари номи билан боғланган

миллиардларни хотирлайди.

“Президент оиласининг таржимаи ҳоли, хусусан, ҳозирда судга тортилиш арафасида турган тўнғич қизи Гулноранинг ноқонуний йўллар билан қўлга киритилган миллиардлаб долларлари...

...Яқинда хорижлик журналистлар томонидан келиб чиқиши аниқланган Лоланинг миллиардлари ҳам шубҳа ва саволларни туғдиради: Россиядаги ўзбеклар ишлаб топган пуллар ҳам унинг жамғармасига кетмаганмикин? Шундай экан, ўзининг меҳнаткаш халқини ишқмас ва дангаса деб атаган одамнинг ҳайкалига қараб ўзбек мигрантлари ҳаёт учун шафқатсиз курашда ўзларини Ўзбекистоннинг яна бир йўқотилган авлоди деб ҳис қилмасмикинлар?”.

Ёзувчи ўзининг Фэйсбукдаги постига Каримовнинг Тошкентдаги Оқсарой қароргоҳи ўнгида бунёд этилган ҳайкали суратларини ҳам илова қилган.

Аввалроқ ёзувчи МХХ ҳибсхонасида қолаётган журналист Бобомурод Абдуллаевни ҳимоя қилиб чиққанди.

У Рус Пен-марказининг ўзбек журналистини озод этиш ҳақидаги баёноти ташаббускорларидан бўлган.

Темур Пўлатов 1939 йилда Бухорода таваллуд топган.

“Ўзбекфильм” киностудиясида бош муҳаррир вазифасида ишлаган. 1991 йил сентябрида СССР Ёзувчилар Уюшмаси раҳбарлигига сайланган.

Адибнинг “Бўлак манзилгоҳлар”, “Душан қайсарнинг кўрган-кечирганлари”, “Бухоро хонадонининг кечмишлари”, “Мулк”, “Кунда-шунда”, “Ғойибнинг иккинчи сафари”, “Етти ҳузур-ҳаловат ва қирқ қайғу-алам”, “Тарозий тошбақаси”, “Сузаётган Овроосиё” сингари асарлари адабиёт ихлосмандлари кўнглидан жой олган.

Москвада чоп этилган “Темур Пўлатов насрининг мифопоэтикаси” китобида жумладан шундай дейилади: “Пўлатовнинг қахрамони мавжудликнинг асосий саволларига жавоб излаб доимо саргардонлик йўлида. Уйсиз, оиласиз, саҳрода, шаҳар оломони орасида, денгизда, барча кундалик фаровонликдан воз кечган ҳолда у ўзи ва дунё орасидаги уйғунликни қидиради”.

Темур Пўлатов асарлари араб, булғор, гуржи, инглиз, корейс, можар, монгол, олмон, поляк, серб, словак, урду, француз, форс, хитой, чех, япон тилларига таржима қилинган.

ЎХХ хабарлар бўлими

Нью Йоркда истиқомат қилувчи асли покстонлик Саъад Малик Ўзбекистонга саёҳати ҳақида блог ёзган. Истарали одамлар, арзончилик ва гўзал маданиятни мақтаган нафақадаги муҳандис сайёҳ Ўзбекистонда Ислом динига бўлган назоратларга ҳам эътибор қаратган.

Тошкентдан Самарқандга тезюарар “Афросиёб” поездида оиласи билан боришни истаган америкалик инглиз тили борасида бироз муаммога дуч келганини ёзади. Унинг айтишича, аэропортдан тортиб, темир йўл вокзалигача барча ахборотлар ўзбек ёки рус тилида ёзилган.

Бироқ вокзалда унга инглизчани биладиган бир ёш йигит учраб чипта олишдан тортиб, поездгача чиқариб қўйганини, ҳатто унинг исмини ҳам билишга улгурмаганини айтади у tribune.com.pk сайтида.

Сайёҳ Ўзбекистондаги оддий одамлар унга хушмуомала бўлганини ва текинга ёрдам берганини мамнуният билан ёзади.

“Бухорадаги меҳмонхона эгаси биз билан инглиз тилини биладиган 12 ёшли қизчаси орқали гаплашди. Аммо у меҳмондорчиликни жой-жойига қўйди. У нафақат бизни эрта кириб, кеч чиқишимизга рухсат берди, балки ўзининг кичкинагина Спарк машинасида бизни вокзалга олиб чиқаман, деб туриб олди. Кетишимизда йўлда еб кетасизлар деб нон ҳам берди. Миннатдорчилик билдираман, деб пул бермоқчи бўлганимда рад этди. Ўрнига қўлларимни ушлаб юзларимга суртди, Шу йўсинда дуо қилишимни сўради”, деб ёзади Саъад Малик.

Саёҳ ўзбекистонликлар кўча, ҳовли ва хиёбонларни тоза тутишига эътибор қаратган. Йўлда



“Ўзбекистонда нотанишларни намозга чақирсанг қамалишинг мумкин”

чиқинди кўрмаганини айтади.

Яна Ўзбекистонда овқатланиш сайёҳ учун жуда арзонга тушган. Самарқандда бир неча таомлардан иборат тушлик 4 кишига 15 долларга тушган. У ўзбекларнинг паловни севиб истеъмол қилишига ҳам эътибор қаратган.

“Ўзбекистоннинг 90 фоиз аҳолисини мусулмонлар ташкил қилади. Шунинг учун ҳам “Ассалому алайкум”, деган саломимизга одамлардан “ваалайкум ассалом”, деган жавоб олдик. Шундай бўлсада, жомеъ масжидлар сони оз экан”, деб ёзади у.

Сайёҳ масжидлар сонининг озлигини Советлар даврида Ўзбекистонда Ислом дини босим остида бўлгани билан изоҳлайди.

Унинг ёзишича, мустақилликка эришилгандан сўнг ҳам эътиқод масаласи ҳукуматнинг қаттиқ назорати остида.

“Мен Тошкент, Самарқанд ёки Бухорода азон овозини эшитмадим.

Самарқанддаги йирик мадрасада ёшлардан иборат кичик гуруҳнинг шом намозига йиғилганини кўрдим. Бизнинг такси ҳайдовчимиз, таржимон ва йўлбошчимиз Шохруз Жума намозини ўқиш учун Самарқанддаги кичик масжидга олиб борди”, дейди у.

Нафақадаги муҳандиснинг ёзишича, мусулмон ўлкаларида жума намози вақтида кузатиладиган гавжумликни Самарқандда кўрмаган. Одамлар сони кам бўлган.

“Одамлари ўзини мусулмон дейишдан фахрланади, бироқ диндорликни намойиш қилиш олқишланмайди, амру маъруф қилиш эса қатъий чегараланган. Шохрузнинг айтишича, мен танимаган одамимни ароқ ичишга таклиф қилишим мумкин, бироқ уларни намоз ўқишга чақирсам устимдан милицияга шикоят қилишлари мумкин экан. Милиция бунинг учун мени қамаши мумкин экан”, дейди у.

Сайёҳ Ўзбекистонни тарқ этаётган маҳал аэропортдаги текширишларни Ислом динига бўлган қаттиқ назоратга мисол тариқасида келтирган.

“Қизимнинг сумкасини текшираётган хавфсизлик ходимлари ундан Куръони Каримнинг инглизча маънолар таржимасини топиб олишди. Улар китобни қаердан, қачон сотиб олгани ҳамда унинг касби ҳақида саволлар беришди. Бу катта муаммоли вазият бўлмасада, шу биргина ҳолат ҳукуматнинг динга бўлган ҳиссиётини намойиш қиларди”.

Манба: Би-би-си Ўзбек





Фармацевтика бозорига янги-эски ўйинчилар кирмоқда

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Аҳолини сифатли ва арзон дори-дармон билан таъминлашни устивор вазифа қилиб белгилаган президент Шавкат Мирзиёев, “Ўзфарманоат” концернини ривожлантиришга оид 12 та қарордан сўнг, 13-қарор билан бу структурани бутунлай тугатган. Аҳолини Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқариладиган сифатли ва арзон дори-дармон билан таъминлаш вазифаси энди янги тузилган Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига юкланди.

“Ўзфарманоат” мотамда

Ўзбекистон мустақил бўлганидан бери мамлакат фармацевтика соҳасидаги асосий ўйинчи бўлиб келган “Ўзфарманоат” концернининг 8 ноябрь куни “Озодлик” радиоси гаплашган мутасаддиси, бу қарордан “хамма мотамда” эканини таъкидлади.

“Бугун раис ҳаммани тўплаб айтдилар, бугундан бошлаб ҳаммамиз ишдан бўшадик. Сизларнинг қаторда мен ҳам”, деб. Шу гапни айтиб, ўзлари Самарқандга кетдилар. Бугундан ишсизмиз ҳаммамиз. Бошқарувда 40 та одам ишлайди. Таркибига кирган корхоналар сони 172 та. Биласиз, бизда президент қарори муҳокама қилинмайди, уни фақат бажариш керак. Шунақа қарор керакмиди, йўқми, деган савол сўралмайди. Шунақа қарор чиқаришга эҳтиёж борми, деган муҳокама бўлгани йўқ. Қарор чиқди, бу ёғи энди ура-ура, бос-бос”, деди 7 ноябрь куни тугатилган “Ўзфарманоат” мутахассиси.

Сухбатдош таъкидича, Шавкат

Мирзиёев президент бўлганидан 7 ноябрга қадар фармацевтика соҳасини ривожлантиришга бағишланган 12 та қарор чиқарилган.

“Биз бу қарорларни бажарамиз деб чопқиллаб юрувдик. Ички маҳсулотни бунчага оширибсан, бунча дори чиқарибсан, бунча инвестицион лойиҳа киритибсан, деб қарсақбозлик қилиб туриб, 13-қарор билан “Ўзфарманоат”ни ўлдирди-қўйди. Ўзи чет элларда 13 рақамини бежизга бехосият дейишмас экан”, дейди тугатилган концерннинг ишсиз қолган мутасаддиси.

Президент қарорига мувофиқ, “Ўзфарманоат” ўрнида тузиладиган Агентликка раҳбарни шахсан президентнинг ўзи тайинлайди ва унинг мақоми Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг 1-ўринбосари даражасида бўлади.

Вазирликнинг 8 ноябрь куни “Озодлик” радиоси боғланган расмийси, ҳоизрча янги агентликка кимнинг раҳбар этиб тайинланиши маълум эмаслигини билдирди. Тугатилган концерн ходимлари тақдири, бу расмийнинг айтишича, янги раҳбарга боғлиқ бўлади.

“Ўзфарманоат” ходимларидан кимларга янги агентликдан иш таклиф этилади, қайсиларига йўқ, бунисини агентликнинг янги раҳбари ҳал қилади”, деди вазирлик расмийси.

“Ўзфарманоат”

туғатилишининг расмий сабаби

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев 7 ноябрь куни имзолаган қарор “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини

тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида” деб аталади.

Чиқарилган аввалги қарорларга қарамай, мамлакат фармацевтика тармоғидаги аҳволнинг қониқарсизлиги айтилган янги қарорга берилган расмий шарҳда, айниқса, бу тармоқдаги маҳаллий ишлаб чиқариш авҳоли танқид қилинган.

“Бугунги кунда тармоқдаги маҳаллий корхоналар юқори сифатли ва рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш имконига эга эмас.

Масалан, “Ўзфарманоат” давлат акциядорлик концерни таркибига кирувчи корхоналар умумий сонининг 19 фоизи фаолият юритмаяпти, 30 фоизининг ишлаб чиқариш фаолияти тайёр маҳсулотни қадоклаш, ўраш ва ёрлик ёпиштириш билан чегараланган.

Ҳозирги вақтда дори ишлаб чиқариш учун импорт қилинаётган хом ашё умумий сонининг 23,4 фоизи тайёр маҳсулот ҳисобланади.

Маҳаллий фармацевтика корхоналарининг илмий-тадқиқот ишларини ўтказишга бўлган манфаатдорлиги мавжуд эмаслиги оқибатида “Ўзфарманоат” концерни корхоналари томонидан рўйхатдан ўтказилган асл дори воситаларининг улуши бор йўғи 1,3 фоизни ташкил этади”, дейилади расмий шарҳда.

Шундан келиб чиқиб, президент “Ўзфарманоат” концернини тугатиш, унинг заминида Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидagi Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этишга қарор берди.

Қўшиб ёзиш?

Президентнинг 7 ноябрь кунги қарори билан тугатилган “Ўзфарманоат” ДАК раҳбари Мирзанозим Дўсмуротов жорий йил 9 февраль куни маҳаллий матбуотда эълон қилинган баёнотида, фармацевтика саноатидаги аҳволга оид бутунлай бошқача рақамларни келтирган эди.

“Мамлакат фармацевтика бозорида маҳаллий маҳсулот улуши 50%дан ошди, 2017 йил охиригача эса ушбу кўрсаткични 70%гача етказиш режалаштирилган”, деган Дўсмуротов ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига қатъий белгиланган нарҳдаги дори-

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

дармонлар рўйхати ҳам кенгайиб, маҳаллий дори-дармонлар нархининг арзонлашиб боришини ваъда қилган эди.

Президент қарорига берилган расмий шарҳда, Ўзбекистон ичкарасида ишлаб чиқарилаётган асл дори-рамоннинг бозордаги улуши 1,3 фоиздан ошмаслиги, қолгани четдан келтирилган тайёр маҳсулотни кадоклаш, ўраш ва ёрлик ёпиштириш экани айтилди.

Икки расмий баёнотда келтирилган рақамлардаги бунча катта тафовутдан, ички ишлаб чиқариш миқдорига оид рақамларни сохталаштириш, хусусан уларни бўрттириш “Ўзфармсаноат” тугатилишида белгиловчи роль ўйнагани англашилади.

“Ўзфармсаноат”

тугатилишининг норасмий изоҳлари

Ўзбекистон фармацевтика бозоридаги асосий монополист ҳисобланган “Ўзфармсаноат” давлат концернининг тугатилиб, унинг ўрнида мақоми пасайтирилган агентлик ташкил этилиши ортидаги сабаблар турли

талкинларга сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Фарғона.ру нашри бу ҳаракатни бозор эгалари ўзгаргани билан изоҳлашга уринди.

“Фарғона”га етиб келган маълумотларга кўра, 2011 йилгача Ўзбекистон фармацевтикасини Гулнора Каримова бекиткича назорат қилиб келган. Аммо президентнинг тўнғич кизи четга сурилганидан кейин, бу сердаромад соҳа унинг онаси Татьяна Акбаровна кўлига ўтган. Шунингдек, “Ўзфармсаноат” концерни собиқ раҳбарларидан айримларига жиноий иш очилгани ҳақида ҳам маълумот бор”, деб ёзди 8 ноябрь куни Фарғона агентлиги.

Айни пайтда, вазиятдан хабардор бир-биридан мустақил икки ўзбекистонлик кузатувчи, фармацевтика саноатига унинг бошқарувини мустақилликдан кейин бир муддат ўз кўлига олган шахс ва кланлар қайтаётганини иддао қилди.

“1993 йили ташкил этилган “Ўзфармпром” (ўзбекчаси “Ўзфармсаноат”) нинг биринчи раиси Қобул Қаюмович Шодиев эди. Асли қасби тиш доктори бўлган бу одам ўзбекистонлик миллиардер Фаттоҳ Шодиевнинг туғишган

акаси. Шу одам, аниқроғи, ишбилармон Шодиевлар оиласи мустақил Ўзбекистон фармацевтика бозорини ўз назоратига олган эди. Тошкент фармацевтика заводи, Гулистон ва Самарқанддаги ҳар хил фармацевтика корхоналари шуларники эди. Кейинчалик, тахминан 90-йиллар охирига келиб, бу оила манфаатлари Гулнора Каримова билан тўқнаша бошлади, улар секингина бозор хўжайинлигидан четга сурилди, ўз фаолиятини бошқа постсовет давлатларига кўчирди. Лекин уларнинг фармацевтика бозоридаги ўрни бутунлай йўқ бўлиб кетгани йўқ. Билишимча, бу бозор назоратини яна Шодиевлар клани ўз кўлига олапти. Президент қарори, майдондаги эски ўйинчиларни супуриб, ўрнини янгиларига бўшатиб беришга хизмат қилади”, дейди Ўзбекистон аввалги ва жорий бошқарувидаги ички жараёнлардан яхши хабардор собиқ мулозим.

“Озодлик” радиоси ихтиёрида Шодиевлар кланининг Ўзбекистон фармацевтика саноатидаги аввалги ва жорий улушини кўрсатувчи аниқ маълумотлар ҳозирча йўқ.

ЎХХ хабарлар бўлими

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, Қийноқларга тугилган фарзандлари яна айбдор деб топилганидан норози ота-оналар Навоий вилоят суди биноси олдида 9 ноябрь куни норозилик намоийиши уюштирган.

Ота-оналарнинг Би-би-сига айтишларича, кўп сонли милиция ходимларининг ҳозирлигида номаълум аёллар норозилик намоийиши ташкилотчиларига ҳужум қилганлар, плакатларини йиртиб ташлаганлар.

Ота-оналар сўзларига кўра, ноҳақ ҳукмдан норози инсонларга ташланганлар энгил табиат аёллар бўлган.

Пикет ташкилотчилари дўппосланишини Навоий шаҳри милицияси ходимлари бефарқ кузатиб туришган, фуқаро кийимидаги ходимлар эса Навоий вилояти суди олдида бўлаётган тартибсизликни видео тасвирга туширишда давом этаверган.

Норозилик амалиёти иштирокчилари ҳам ўзларига



Ноҳақ ҳукмдан норози ота-оналар дўппосланди

нисбатан бўлаётган конунга зид ҳаракатларни мобиль телефонларида тасвирга туширган.

Милиция ходимлари айрим мобиль телефондаги видеоларни ўчириб ташлашга мажбур қилган.

Тасвирга олаётган бошқа пикет иштирокчиларига эса “бундан кейин Навоийда юришингни ўйла!” деган огоҳлантириш-тахдидлар ҳам янграган.

Ота-оналарнинг ҳамда адвокатларнинг маҳкамани бошқа вилоятда ўтказиш талабларига қарамасдан, 9

ноябрь куни Навоий вилоят судида диний экстремизм ва терроризмда айбланган 4 йигитнинг апелляция суди бўлиб ўтган.

Айбланувчилар дастлабки тергов мобайнида шафқатсиз қийноқларга тугилганлари ва қийноқлар остида айбига иқдорлик кўрсатмаларига имзо чекишга мажбурланганлари ҳақида гапириб берган.

Шунингдек, маҳкумлар қариндошларининг Президент Шавкат Мирзиёевга, Республика Бош прокурорига ва оммавий ахборот воситаларига шикоятларидан кейин ўзларига жисмоний ва руҳий тазйиқлар бўлгани ҳақида апелляция судига сўзлаган. Уларнинг эътирозларини судья инobatга олмаган.

Эрталабки соат 10 да бошланган ва кечки соат 19 да тугаган маҳкама дастлабки суд қарорини ўзгартиришсиз қолдирган.

ЎХХ хабарлар бўлими

Қирғизистон прокуратураси Ўмурбек Бабановга қарши жиноят иши қўзғатди

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, Қирғизистон Бош прокуратураси президентликка номзод Ўмурбек Бабановга қарши жиноят иши қўзғатган.

Бунга Қирғизистон парламенти депутати Бабановнинг президентлик сайловолди ташвиқоти пайти ўшлик ўзбеклар олдида гапирган маърузаси сабаб бўлган.

Бош прокуратура хабар тарқатишича, Қирғизистон президентлигига номзод билан бирга “бошқа шахсларга” нисбатан ҳам жиноят иши очилган.

Президентлик сайлови ташвиқоти доирасида “Республика – Ата Журт” партияси раҳбари Ўмурбек Бабанов шу йил 28 сентябрь кuni Қирғизистон жанубидаги Ўш шаҳри Амир Темур кичик туманида яшайдиган ўзбек сайловчилар билан учрашган.

Қирғизистон Бош прокуратурасига кўра, “...Омурбек Бабанов, аҳоли орасида ўзбеклардан кўпроқ овоз олиш мақсадида, ўзбек миллатига мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари поймол этилаётгани, мамлакатда мавжуд миллатлараро тенгсизлик ҳамда давлат органлари

томонидан ўзбек миллатига мансуб шахсларга нисбатан бўлаётган босимлар ҳақида фикр билдирган ва йиғилганларни ушбу ҳолатга нисбатан фаол қаршилик кўрсатишга чақирган”.

Президентликка номзоднинг нутқини филологик-сиёсий экспертизадан ўтказишга қарор қилинган.

Экспертиза жаноб Бабановнинг ушбу нутқида, миллатлараро низо қўзғаш, одамларни амалдаги ҳокимиятга бўйсунмасликка ундаш ва амалдаги ҳокимиятни ағдаришга қаратилган даъватлар бор, деган хулосага келган.

Шунингдек, Интернет социал тармоқларида тарқалган Ўмурбек Бабановнинг нутқи видеоси монтаж қилинганми ёки йўқ, деган саволга жавоб топишга қарор қилинган ва Қирғизистон Давлат суд-эксперт хизмати монтаж қилинмаган, дея хулоса берган.

Электрон оммавий ахборот воситаларида Ўмурбек Бабанов гўёки “Тиз чўкиб юргандан кўра, тик туриб ўлган маъқул”, “Агар бирор бир милиционер ўзбекларга тегинса, у ишдан ҳайдалади”, деб айтган иборалари эълон қилинган.

Президентликка номзоднинг штаби эса бу баёнотлар Бабанов айтган иборалар мазмунидан узиб олингани ва видео монтаж қилингани ҳақида хабар тарқатган.

Қирғизистон Бош прокуратураси Жиноят кодексининг “Конституциявий тузумни зўравонлик билан ўзгартиришга чақирик” ва “Миллий, ирқий ёки диний нифоқ қўзғаш” бандлари бўйича жиноят иши бошлаган.

“Республика – Ата Журт” партияси раҳбари Ўмурбек Бабанов ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатилишини қоралаб баёнот тарқатган.

“Бугун биз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўзбошимчаликнинг гувоҳи бўлди. Улар менга нисбатан буткул тўкиб чиқарилган, сиёсий жиноят ишини қўзғатишди. У ерда ҳамма нарса оқ ип билан тикилган ва буни ҳаммамиз кўриб турибмиз”, дейилади Бабанов номидан тарқатилган баёнотда.

Қирғизистон президентлик сайлови 15 октябрь кuni ўтказилди ва унда шу вақтгача Бош вазир лавозимини эгаллаб келган, Алмазбек Атамбаевнинг “Социал Демократлар партияси”дан бўлган Сўўрўнбай Жээнбеков ғалаба қозонгани эълон қилинди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ўзбекистон Бош прокуратурасидаги ишончли манбанинг билдиришича, яқинда Тошкент вилояти прокуратураси вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан Янгийўл туманида яшовчи деҳқон Равшан Абдуҳолиқовга нисбатан очилган жиноят ишининг сохталаштирилганини аниқлаган. Бу ҳолат Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура ходимлари ўртасидаги зиддиятни кучайтирган.

«Элтуз» манбаси сўзларига кўра, ўтган йилнинг ўрталарида Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Саидикром Нишонбоев Р.Абдуҳолиқовга тегишли ер майдонини зўравонлик билан олиб қўйиб, ўз отаси номига расмийлаштирган.

Бундан ташқари, С.Нишонбоев янгийўллик деҳқонга тегишли бўлган 5 минг дона теракни сотиб, пулини ўзлаштириб юборган.

С.Нишонбоевнинг ҳаракатларидан норози бўлган Р.Абдуҳолиқов адолат истаб қатор давлат идоралари, хусусан,

Бош прокуратура ва ИИВ ўртасида зиддият кучаймоқда

президент қабулхонасига ҳам мурожаатлар қилган.

«Элтуз» манбасининг айтишича, қилмиши фош бўлишидан кўркиб кетган С.Нишонбоев деҳқоннинг «овозини ўчириш» мақсадида ички ишлар ходимларига қандай қилиб бўлса ҳам Р.Абдуҳолиқовни қамокка тикишга кўрсатма берган.

«Оқибатда Янгийўл тумани ички ишлар ходимлари 66 ёшли деҳқонга қарши шу туманда яшовчи қўшмачи «Манзура» исмли аёл номидан гўёки Равшан Абдуҳолиқов унинг номусига теккани юзасидан шикоят уюштириб, деҳқонни қамокка тикишган ва бир неча кун турли қийноқлар қўллашиб, отахонни содир этмаган жиноятни бўйнига олишга мажбурлашган», деди Бош прокуратурадаги манба.

Р.Абдуҳолиқов мурожаатлари ордидан Тошкент вилояти прокуратураси жиноят ишини ўрганиш давомида ички ишлар

ходимлари томонидан қатор далиллар сохталаштирилганини аниқлаган ва Р.Абдуҳолиқов қамокдан чиқариб юборилган.

Ушбу иш бўйича Янгийўл тумани ички ишлар ходимларидан бир нечаси ишдан бўшатирилган.

Бош прокуратура вакилининг таъкидлашича, мазкур ҳодиса ордидан Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура ходимлари ўртасида кескин қарама-қаршилик юзага келган.

«Ҳозир ИИВнинг прокуратура ҳаракатларидан норози айрим мулозимлари терговни олиб бораётган прокурорга нисбатан турли пинҳона тазйиқ ва босимлар уюштирмоқда», деди Бош прокуратура ходими.

Шамсиддин Тўлаганов
Ўзбекистонлик муаллиф
тахаллуси
Манба: Eltuz.com



Каримов замонида жиноий жавобгарликка тортилган амалдорлар бугунга келиб юксак лавозимларга тайинланмоқда

Мархум президент Ислам Каримов замонида жиноий жавобгарликка тортилган жуда кўп амалдорлар амалдаги давлат раҳбари даврига келиб юксак лавозимларга тайинланмоқда.

Энг салмоқли мисол – бугунги ҳукумат раҳбари Абдулла Орипов. Бош вазир ўринбосарлигидан қувилиб, йўли турма сари тушганида кўринмас қудратнинг ғойибона кучи билан аллақайси ўқув муассасасида кафедра мудири лавозимида кун кўриб келаётганида қутилмаганда бошига қайтадан бахт қуши қўнди.

Ўзбек автомобиллари билан қилган фирибгарликлари учун эртаиндин қамалиб, энди юлдузи сўнади, деганимизда яна бир-икки амалдор қайтадан амал курсиларига ўтирди. Лавозимидан четлатилган Козим Тўлаганов бир «Дамас» пулни банкка олиб топшириб, видеога олиниб, инидан чиқарилмай юрган бир пайтда янги президент уни ҳам янги юксак лавозим билан сийлади.

Мисолларни жуда кўп келтириш мумкин ва бундай ҳолатлар бошқа кўплаб коррупционерларнинг яна лавозимларга қайтишга бўлган умидини алангалатиб юборган кўринади.

«Дунё ўзбеклари» сайтида эълон қилинган «Юксак дидли ўзбек ҳуқуқшуноси» сарлавҳали мақолани ўқиб, «юлдузи сўнмаган» собиқ амалдорлардан яна бири ҳокимият осмонида қайтадан порлашни истаётганини сезмай илож йўқ.

Тўғри, у ўз истагини ўзи баён этаётгани йўқ, бошқалар қўли билан тандирнинг тафтини билишга, биз қолиб кетяпмиз, деган ишора беришга уринмоқда.

Бу кишимиз бир вақтлар ёшлар ўртасидаги оддий маиший жанжал тўғрисидаги ўғлини урган «жиноятчилар»ни узок йилларга қаматиб юборган, бунинг ортидан

гап-сўз кўпайгани учун мархум президент ўз кўриқчиларига калтаклатиб (шундай эшитмалар бор), мансабидан қувиб солган Эркин Халилов бўлади.

Мақола муаллифининг мақсади ана шу шахсни яна юксак мартабаларда кўриш. Тўғрироғи, Халиловнинг ўзи биров орқали ўзининг борлигини эслатиб қўйишни истаётгандек таассурот уйғотида мақола.

Муаллиф «президентимиз адолатни тиклаш учун тинмай ҳаракат қилаётгани»ини айтиб, гапни узоқдан олади. Кейин эса Халиловни мақташга, у яна юксак лавозимларни эгаллашга муносиблигини уқтиришга ўтади.

«Эркин Ҳамдамович Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери бўлиб ишлаган 2005-2008 йилларда Ўзбекистондаги энг демократик даргоҳ мана шу ерда эди десам адашмайман», дейди муаллиф камтарликни йиғиштириб қўйиб.

Гўёки Э.Халиловнинг сиёсий саҳнадан қувилганига сабаб Ислам Каримовнинг самимий бўлмаганлиги, кейинчалик бу унинг амалида билинганини қистириб ўтади. Мақола сўнггида муаллиф андишани ҳам унутиб қўйиб: «Мен ўйлайманки, Эркин Ҳамдамовични Президентимиз Шавкат Миромонович мендан-да яхши билдилар ва яқин орада ўз ёнларига чақириб, Қонун ижодкорлиги билан шуғулланишларига имкон яратиб берадилар», деб ёзади.

Мана шундай кунларга ҳам етдик. Собиқ коррупционерлар ҳокимиятга қайта бошланганидан илҳомланган қолганлари президентга мени ҳам қайтаринг, дея очик илтижо қилинадиган замона яшаяпмиз...

Баҳодир Шариф
Манба: Eltuz.com

Жисмоний шахсларга валюта нақд пул шаклида сотилмайди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Марказий банки жисмоний шахсларга тижорат банкларида валюта айрибошлаш ҳуқуқини берувчи низомни тасдиқлаган.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига 9 ноябрь куни жойлаштирилган низом Марказий банк раиси томонидан 25 октябрда тасдиқланган.

Ҳужжатга асосан, бундан буён юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорлар ҳам тижорат банкларининг конверсион бўлимларида ўз ҳисобларидан хориж валютасини олиш ҳуқуқга эга бўлади.

“Чет эл валютасини сотиш конверсион бўлимлар томонидан халқаро тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз шаклда амалга оширилади”, дейилади низомда.

Банкларнинг валюта айрибошлаш шаҳобчалари эса хориж валютасини нафақат нақд кўринишда, балки халқаро пластик карталардан ечиб олиш йўли билан ҳам қабул қилади.

Агар алмаштирилаётган пул миқдори энг кам иш ҳақининг 500 даражасидан кўпроқ бўлса, пул алмаштириётган одам шахсини тақдирловчи ҳужжатни тақдим этиши керак бўлади.

Низомда таъкидланишича, валюта алмаштириш шаҳобчалари “жисмоний шахслардан ва норезидент жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини нақд миллий валютага сотиб олиш” ҳамда “норезидент жисмоний шахсларга чет эл валютасини сотиш” билан шуғулланади.

Низомда Ўзбекистон ватандоши бўлган жисмоний шахсларга нақд миллий валютага нақд хориж валютасини сотиш белгиланмаган.

Бироқ валюта алмаштириш шаҳобчаси жисмоний шахсларга “чет эл валютасини ўша чет эл валютасига майдалаб ёки йирик пул миқдорда бериш”и мумкин

УХХ хабарлар бўлими

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий

нашри

www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мухаррир: Нурбек Саломов